

2019 йилнинг 28-29 март кунлари ТИҚХММИда “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги анъанавий XVIII - ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани ўтказилиши белгиланди

Хурматли ёш олимлар, магистрантлар ва талабалар!

Сизни **2019 йилнинг 28-29 март** кунлари ТИҚХММИда ўтказиладиган «**Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари**» мавзусидаги анъанавий **XVIII**-ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжуманига таклиф этамиз.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

«**Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари**» мавзусидаги анъанавий

XVIII-ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани

А Х Б О Р О Т Х А Т И

Анжуманнинг асосий мақсади: Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммоларини ечиш мақсадида илмий-услубий ва ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ҳамда кадрларни тайёрлаш борасида ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий изланишлари натажаларини муҳокама этиш ва оммалаштиришдан иборат.

Анжуманда қуйидаги илмий йўналишларда иш олиб борилади:

Шўба Анжуман йўналишлари номи

1. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари
2. Сув ресурсларини бошқариш, экология ва атроф муҳит муҳофазаси муаммолари
3. Гидротехника ва Гидроэнергетика муаммолари
4. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муаммолари
5. Гидромелиоратив ишларни механизациялаш муаммолари
6. Қишлоқ ва сув хўжалигининг энергетика ва автоматлаштириш соҳаларида замонавий энерготехнологияларни қўллаш
7. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш муаммолари
8. Сув хўжалигида иқтисодий муаммолар, менежмент ва маркетинг
9. Сув хўжалиги масалаларида математик моделлаштириш усуллари ва ахборот технологияларини қўллаш
10. Хаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари
11. Сув хўжалигида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий, педагогик маънавий омиллари

Расмийлаштиришга оид талаблар: Матн ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади. Тақдим қилинадиган материал аннотация, матн, жадвал расм ва фойдаланилган адабиётлар

рўйхати билан 3 бетдан иборат бўлиши, А-4 ўлчамли оқ қоғозда тўлиқ саҳифаланиб, Word 2003 тахрирлагичда Times New Roman 12 шрифтида 1 интервалда пухта тахрирланган ҳолда тайёрланиши керак. Электрон шакли билан (флешкада) тақдим этилади. Матн ўнг томонидан 2.2 см., чап томонидан 2.3 см., юқоридан 2 см., пастдан 2 см. дан хошия қолдириб тайёрланади.

Маъруза сарлавҳаси катта харфлар билан марказлашган ҳолда қорайтириб ёзилади, кейинги қаторга муаллиф(лар)нинг Ф.И.Ш. ўқиш (иш) жойи кўрсатилади. Сўнгра бир интервал ташлаб мавзунинг аннотацияси, кейин асосий мақсади берилади ва яна бир интервал ташлаб асосий матн жойлаштирилади.

Институтнинг ИТИ режасига киритилган мавзулар, ТИЖда ўрганилган мавзуларда иқтидорли талабаларнинг иштироқи, шунингдек, Илмий амалий анжуманга талаба томонидан топшириладиган илмий мақолаларнинг долзарблиги, натижаларини назарий таҳлили ва ҳаққонийлигини таъминлаш илмий раҳбар ва кафедра мудирлари зиммасига юклатилиб, экспертиза далолатномаси тўлдирилган ҳолда **2019 йилнинг 18-мартигача** қабул қилинади. Талабга жавоб бермайдиган материаллар қабул қилинмайди. Мақолалар ўзгартиришларсиз чоп этирилади.

Экспертиза далолатномасининг бланкасини **Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими (Темирова Зохида)**дан оласиз.

Ташкилий қўмита манзили: 100000 Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти. ИТИваИПКТ бўлими. Тел: 237-19-61, 237-09-46.